



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

YDK: 614.86.01 (575.171)

2012-2021 ЙИЛЛАРДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ
ҲОДИСАЛАРИ ТУФАЙЛИ S00-S09-БОШ ЖАРОҲАТЛАР РУКНИ ЖАРОҲАТЛАРИ



Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С.
Маъмун университети

ТРАВМЫ ГОЛОВЫ (S00–S09) ПОЛУЧЕННЫЕ В РЕЗУЛЬТАТЕ ДОРОЖНО-
ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ В 2012–2021 ГОДАХ В САМАРКАНДСКОЙ
ОБЛАСТИ

Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С.
Университет Маъмуна

S00-S09-HEAD INJURIES FROM CAR ACCIDENTS IN SAMARKAND REGION IN 2012-
2021

Jumaniyozov K.Y., Jumaniyozova G.S.
Mamuna University

Жуманиёзов Кувондик Йўлдашевич
Жуманиёзова Гулноз Санакуловна
kuvondik66@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 24 октябрдаги 4-МБ-сон қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 12- декабрдаги чиқарган 19 -сонли буйруғига асосан тузилган Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг идоровий статистика ҳисоботи (19-SSV shakli) таҳлиллари, халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10га мансуб бўлган, XIX-синф яъни ташқи сабаблар таъсирининг жароҳатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлари синфининг, Самарқанд вилоятида S00-S09 - бош жароҳатлари рукнига кирувчи жароҳатланишларнинг 2012-2021 йиллардаги умумий жароҳатланишлари, ҳамда 18 ёш ва ундан катта ёшдаги, 15-17 ёшли ўсмир болалар ва 0-14 ёшли болаларнинг йўл транспорт ҳодисаларидан жароҳатланишларининг ўртача абсолют ва нисбий кўрсаткичлари келтирилган.

Калит сўзлар: бош, жароҳат, автоавария, абсолют, нисбий, ёш.

Аннотация: В статье приведён анализ ведомственной статистической отчетности (форма 19-SSV), составленной на основании решения Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан №4-МБ от 24 октября 2011 года и приказа Министра здравоохранения от 12 декабря 2017 года №19, предоставленной Управлением здравоохранения Самаркандской области. Анализ охватывает травматизм по Самаркандской области в период с 2012 по 2021 годы и основан на Международной классификации болезней



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

10-го пересмотра (МКБ-10), а именно на класс XIX — «Последствия внешних причин: травмы, отравления и некоторые другие последствия воздействия внешних причин», включая рубрику S00–S09 — травмы головы. В статье представлены средние абсолютные и относительные показатели общего травматизма, а также травматизма, вызванного дорожно-транспортными происшествиями, среди населения в возрасте 18 лет и старше, подростков 15–17 лет и детей 0–14 лет.

Ключевые слова: голова, травма, автоавария, абсолютный, относительный, возраст.

Abstract: The article presents an analysis of the departmental statistical report (Form 19-SSV) of the Samarkand Regional Health Department, compiled in accordance with the Resolution No. 4-MB of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics dated October 24, 2011, and based on the Order No. 19 of the Minister of Health dated December 12, 2017. The analysis focuses on injuries classified under the International Classification of Diseases, 10th Revision (ICD-10), specifically Chapter XIX — Injury, poisoning and certain other consequences of external causes, including head injuries (S00–S09) in Samarkand region during the period from 2012 to 2021. The article provides average absolute and relative indicators of general injuries, as well as injuries resulting from road traffic accidents among three age groups: individuals aged 18 and above, adolescents aged 15–17, and children aged 0–14.

Keywords: head, injury, traffic accident, absolute, relative, age

Долзарблиги: Автотранспортлардан жароҳатлар кўлами автотранспорт воситаларининг сонини ошиши билан ортиб бормоқда. Статистик маълумотларига кўра ер юзидда бугунги кунда авто транспорт аварияларидан 8 миллионга яқин инсонлар жароҳат олади, шулардан 250–300 минг киши ҳалок бўлади. Айниқса бош жароҳатларидан ўлим даражаси юқорилигича қолмоқда.

ЙТХдан жароҳатланишларнинг 31,6% ҳолатда мия шикастланиши кузатилмайди, 12,5%ида эса бошнинг шикастланиши қайд этилмайди. Бош миясига шикаст етмасдан фақат бошнинг юмшоқ тўқималари шикастланган ҳолатлар 18,1%ни ташкил этади. Мия шикастланишидан трик қолиш 19,1%, ўлим олиб келиши 59,9% ҳолатда кузатилади. Шикастланишлар асосан бошнинг чап томонида жойлашганлиги ҳамда олд-орқа асимметрияси мавжудлиги учрайди. Бу ҳолатлар автомобиль тўқнашуви жараёнидаги шикастланиш фазалари билан боғлиқ [1].

Йўл-транспорт ҳодисаларидан жароҳатланганлар ўртасида ўлим сабабларининг асосий улушни (72%) кўп жароҳат олган шахслар ташкил этган. Кўкрак қафаси ва қорин соҳаси шикастланишларининг биргалиқда учрашидан – 2%, бош мия шикастланишидан – 17%, кўкрак қафаси шикастланишидан – 7% ўлим ҳолатлари кузатилган. Энг кам улушни бўйин шикастланишлари – 1%, шунингдек қорин, белнинг пастки қисми, умуртқа поғонасининг бел қисми ва чанок ҳамда тизза ва болдир шикастланишлари ташкил этган [2].

Гомель шаҳар ЙХХБнинг авариялар сони ва йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланишлар вақт бирлигидаги авариялар сонига **боғлиқ**. Аварияларнинг энг юқори чўққиси, қоида тариқасида, иш кунлари учун кечки соатларга, одамлар ишдан қайтганда, дам олиш кунлари учун эса – кечки вақтга, улар дачалардан қайтганда ёки шаҳар ташқарисига сафарга отланганда тўғри келади. **Тизимли омилар**, об-ҳаво ҳолати, иншоотлар мавжудлиги, йўл қоламаси ҳолати, кўриниш шароитлари, ҳаракат шароитлари ва ҳоказолар. **Ёритиш** (шу жумладан ёруғлик мосламаларининг ишлаши), бунда ёқилган фаралар ҳатто гира-шира вақтда ҳам авариялар сонини камайтиради [3].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, автомобиль аварияларидан ўлим ҳолатлари 2000-2020 йилларда 65% га ошган, бу асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келади [4,10]. Бугунги кунда автомобиль аварияларидан келадиган тиббий ва



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

иктисодий зарар турли мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 1-3% ини ташкил этади (умумий зарар ўртача йилига 518 миллиард долларни ташкил этади) [5,12].

Россияда ҳар куни 60-80 киши автоҳалокатларда ҳалок бўлади. 2011 йилда Ўзбекистонда 10 611 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлиб, улар натижасида 2 161 киши ҳалок бўлган ва 11 228 киши тан жароҳати олган. Шунинг таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўша йили ҳайдовчилар томонидан 3 896 000 та йўл ҳаракати қондалари бузилган, шундан 1 588 000 таси жиддий бузилишлардир [6,7,8]. Йўл-транспорт ҳодисалари асосан жума ва шанба кунлари содир бўлади, бироқ якшанба ва душанба кунлари ҳам йўл-транспорт ҳодисалари учун оғир кунлар ҳисобланади. 2016 йилнинг 10 ойида 58 885 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, улар натижасида 6 932 киши ҳалок бўлган, 90 314 киши оғир тан жароҳати олган [9,11,13].

Адабиётлар таҳлили йўл транспорт ҳодисаларидан шикастланишлар, шу жумладан, юз-жағ соҳалари жароҳатлари 34,8–63,32%ни ташкил этишини ва кўпроқ йилнинг иссиқ ойларида кузатилишини кўрсатмоқда. Автоаварияларга кўпинча 49,3%– автотранспорт, 17,8%– мототранспорт, 13,2%–велосипед ва 6,4%–бошқа транспорт воситалари сабабчи бўлади (14).

Текширувлар мақсади. 2012 – 2021 йиллар Самарқанд вилоятида йўл транспорти ҳодисалари туфайли содир бўлган S00-S09-бош жароҳатлар рўқни жароҳатларини таҳлил қилиш ва уларни солиштиришдан иборат бўлди.

Материаллар ва усуллар. Маълумотлар тузилган Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг идоравий статистика ҳисоботининг (19-SSV shakli) йиллик статистик ҳисобот маълумотлари ва ижтимоий тармоқларда келтирилган маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш ва баҳолашларни ўз ичига олди. Тадқиқот натижаларини математик статистикага таянган ҳолда нисбий қийматлар, ўртача қийматлар, стандартлаш усули, корреляцион таҳлил каби баҳолаш мезонларидан фойдаланган ҳолда ҳисобладик ва таҳлил этдик.

1 жадвал

2012-2021 йилларда Самарқанд вилоятида йўл транспорти ҳодисаларидан S00-S09-бош жароҳатлар рўқни жароҳатлари

№	Йил лар	Шифр ХКТ-10	Жами рўйхатга олинган касаллик лар	Йўл транспорти ҳодисаси			Жами йўл транспорти ҳодисаси
				Катгалар (18 ёш ва ундан катгалар	Ўсмир болалар (15-17 ёш)	Болалар (0-14 ёш)	
1	2012	S00-S09	10790-84,1%	301-103,1%	35-70%	15-25%	351-87,5%
2	2013	S00-S09	9662-75,3%	307-105,1%	76-52%	44-73,3%	427-106,5%
3	2014	S00-S09	10630-82,8%	214-73,3%	26-52%	58-96,6%	298-74,3%
4	2015	S00-S09	10608-82,6%	255-87,3%	45-90%	17-28,3%	317-79,1%
5	2016	S00-S09	13747-107,1%	322-110,3%	41-82%	55-91,7%	418-104,2%
6	2017	S00-S09	14473-112,7%	307-105,1%	56-112%	83-138,3%	446-111,2%
7	2018	S00-S09	15431-120,2%	281-96,2%	54-108%	73-121,7%	408-101,7%



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

8	2019	S00-S09	10630-82,8%	214-73,3%	26-52%	58-96,6%	298-74,3%
9	2020	S00-S09	13311-103,7%	271-92,8%	67-134%	93-155%	431-107,5%
10	2021	S00-S09	19091-148,7%	443-151,7%	73-146%	96-160%	612-152,6%
10 йилда жами-ўртача,%			118707-12837 (100%)	2915-292 (100%)	499-50 (100%)	592-60 (100%)	4006-401 (100%)

Изоҳ: ХКТ- халқаро касалликлар таснифи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2011 йил 24 октябрдаги 4-МБ-сон қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 12- декабрдаги чиқарган 19 -сонли буйруғига асосан тузилган Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг идоравий статистика ҳисоботи (19-SSV shakli) таҳлил қилинганда халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10га мансуб бўлган, XIX-синф яъни ташқи сабаблар таъсирининг жароҳатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлари синфининг, S00-S09 - бош жароҳатлари рукнига кирувчи жароҳатланишларнинг вертикал кесимдаги таҳлили шунини кўрсатадики, жами Самарқанд вилоятида 2012-2021 йиллар давомида S00-S09 - бош жароҳатлари рукнига кирувчи жароҳатланишлардан даволаниш мақсадида вилоят даволаш профилактик муассасаларидан 118707 нафар инсонлар рўйхатдан ўтганлар ва бу 10 йил давомида ҳар йили ўртача 12837 нафарни ташкил қилади. Жами 10 йилда йўл транспорти ҳодисалари туфайли 4006 нафар ёки ўртача ҳар йили 401 нафар, ундан 10 йил давомида 2915 нафари 18 ёш ва ундан катта ёшдагилар, ўртача ҳар йили 292 нафар, 499 нафари 15-17 ёшли ўсмир болалар, ўртача ҳар йили 50 нафар ва 592 нафари 0-14 ёшли болалар, ўртача ҳар йили 60 нафар болалар мурожаат қилган.

Статистик маълумотларни йиллар кесимида вертикал таҳлилларига назар ташласак, 2012 йилда Самарқанд вилоятида жами 10790 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган ва у нисбий қийматларда жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 84,1%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги катта ёшли (18 ёш ва ундан катталар) абсолют қийматларда йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар сони 301 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичларнинг нисбий қийматларида 103,1%ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар ўсмир болаларда (15-17 ёш) абсолют қийматларда 35 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган бўлиб ва бу 10 йиллик ўртача нисбий кўрсаткичнинг 70%ни ташкил қилганлиги, 0-14 ёшли болаларда эса абсолют қийматларда 15 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилиб, 10 йиллик ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 25%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

2013 йилги таҳлилларга назар ташласак Самарқанд вилоятида бу йили жами 9662 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, нисбий қийматларда улар жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 75,3%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар сони 307 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичларнинг эса нисбий қийматларида 105,1%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 76 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 52%ни ташкил қилганлиги, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 44 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 73,3%ни ташкил қилганлиги аниқланди.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Таҳлиллар 2014 йилда қуйидагича тус олган, вилоятида жами 10630 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган ва у нисбий қийматларда жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 82,8%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар абсолют қийматларда 214 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг нисбий қийматларида ўртача 73,3%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 26 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 10 йиллик кузатув йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг 52%ни ташкил қилган, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 58 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йилдаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 96,6%ни ташкил қилганлиги тасдиқланди.

2015 йилда Самарқанд вилоятида жами 10608 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, улар жами нисбий қийматларда 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 82,6%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар сони 255 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача нисбий қийматларида эса 87,3%ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар 15-17 ёшли ўсмир болаларда абсолют қийматларда 45 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 90%ни ташкил қилганлиги, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 17 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 28,3%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

2016 йилги таҳлиллар шунини кўрсатадики Самарқанд вилоятида жами 13747 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, нисбий қийматларда улар жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 107,1%ни ташкил қилади. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳатланиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар сони 322 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки нисбий қийматларида 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичларнинг 110,3%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 41 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, ўртача нисбий кўрсаткичларда эса 82%ни ташкил қилганлиги, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 55 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 91,7%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

2017 йилда Самарқанд вилоятида жами 14473 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, нисбий қийматларда улар жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 112,7%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларида даволанганлар 307 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача нисбий қийматларида 105,1%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 56 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 112%ни ташкил қилган, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 83 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 138,3%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Худди шундай 2018 йилда Самарқанд вилоятида жами 15431 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, нисбий қийматларда улар 10 йиллик кузатув йилларида жами жароҳатларнинг 120,2%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига мурожаат этганлар сони 281



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичиларнинг эса нисбий қийматларида 96,2%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 54 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 10 йиллик ўртача нисбий қийматнинг эса 108%ни ташкил қилган, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 73 нафарни (ўртача 60 нафар), 10 йил давомидаги ўртача нисбий қийматларда эса 121,7%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Самарқанд вилоятида 2019 йили жами 10630 нафар аҳоли турли жароҳатланишлар туфайли рўйхатга олинган, бу нисбий қийматларда 2012-2021 йиллардаги жами жароҳатларнинг 82,8%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, автоавариялар туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларида даволанганлар 214 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки кузатув 10 йиллигининг ўртача нисбий қийматининг 73,3%ни ташкил қилади. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 26 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий қийматларда эса 52%ни ташкил қилганлиги, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 58 нафарни (ўртача 60 нафар), 10 йиллик кузатув йилларидадаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 96,6%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Жами 2020 йилда Самарқанд вилоятида 13311 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, нисбий қийматларда улар жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 103,7%ни ташкил қилган. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш масканларида даволанганлар 271 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичиларнинг нисбий қийматларида 92,8%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 67 нафарни (ўртача 50 нафар) ташкил қилган, 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 134%ни ташкил қилган, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 93 нафарни (ўртача 60 нафар) ташкил қилган, 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 155%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

2021 йилги таҳлил натижалари Самарқанд вилоятида жами 19091 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинлигини кўрсатмоқда ва у нисбий қийматларда жами 2012-2021 йиллардаги жароҳатларнинг 148,7%ни ташкил қилади. Шу йили вилоятдаги 18 ёш ва ундан катталарда абсолют қийматларда, йўл транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олиб Самарқанд вилоятининг даволаш профилактик муассасаларига даволанганлар сони 443 нафарни (ўртача 292 нафар) ёки 10 йилликнинг ўртача кўрсаткичиларнинг эса нисбий қийматларида 151,7%ни ташкил қилган. 15-17 ёшли ўсмир болаларда бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 73 нафарни (ўртача 50 нафар), 2012-2021 йиллардаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 146%ни ташкил қилган, 0-14 ёшли болаларда эса бу кўрсаткичлар абсолют қийматларда 96 нафарни (ўртача 60 нафар), 10 йил давомидаги ўртача нисбий кўрсаткичнинг эса 160%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Хулосалар:

1. Самарқанд вилоятида 2012-2021 йиллардаги жами жароҳатланишлар 118707 тани абсолют қийматларда ўртача 12837 тани ташкил қилган ва энг кам жароҳатланиш 2013 йилда 9662 нафар аҳоли ва энг кўп жароҳатланиш 2021 йилда жами 19091 нафар аҳоли жароҳатланиш туфайли рўйхатга олинган, улардан 18 ёш ва ундан катта ёшлиларда абсолют қийматларда энг кам 214 нафардан 2014 ва 2019 йилларда, энг кўп эса 2021 йилда 443 нафардан кузатилган, ўсмир ёшдагиларда энг кам 35 нафардан 2012 йилда, энг кўп эса 2013 йилда 76 нафардан кузатилган ва 0-14 ёшли болаларда эса энг кам 15 нафардан 2012 йилда, энг кўп эса 2021 йилда 96 нафардан кузатилган. Жами йўл транспорт ҳодисалари энг кам 2014 ва 2019 йилларда 298 тадан ва энг кўп 2021 йилда 612 тадан содир бўлган.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

2. 2012-2021 йиллардаги нисбий қийматлардаги таҳлиliga назар ташласак абсолют кўрсаткичлар бўйича айрим йиллардагидан фарқ қилади. Хусусан жами жароҳатланишлар нисбий қийматларда энг кам жароҳатланиш 2013 йилда ўртача 100% лик нисбатнинг 75,3% да ва энг кўп жароҳатланиш 2021 йилда эса 148,7% да рўйхатга олинганлигини аниқланди. Йўл транспорт ҳодисалари нисбий қийматларда 18 ёш ва ундан катталарда энг кам 73,3%дан 2014 ва 2019 йилларда, энг кўп эса 2021 йилда 151,7%дан кузатилган, ўсмир ёшдагиларда энг кам 52%дан 2013,2014 ва 2019 йилларда, энг кўп эса 2021 йилда 146%дан кузатилган ва 0-14 ёшли болаларда эса энг кам 25%дан 2012 йилда, энг кўп эса 2021 йилда 160%дан кузатилган. Жами йўл транспорт ҳодисалари энг кам 2014 ва 2019 йилларда 74,3%дан ва энг кўп 2021 йилда 152,6%дан содир бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дубровин И.А., Мосоян А.С., Груховский С.В., Бычков А.А. Общая характеристика травмы головы у водителя при дорожно-транспортном происшествии. *Судебно-медицинская экспертиза*. 2020;63(2):19-24.
2. Рахманов Р.М. Чикун В.И. Попов А.А. Любченко А.А. и др. Причины летальных исходов у пострадавших в дорожно-транспортных происшествиях с торако-абдоминальной травмой на территории Красноярского Края.
3. Анализ данных дорожно-транспортных происшествий и их причин для г. гомеля за 2013 и 2014 гг. Кандидаты техн. наук, доценты Аземша С. А., Галушко В. Н., асп. Скирковский С. В., канд. техн. наук, доц. Врубель Ю. А. Белорусский государственный университет транспорта. Журнал “Наука и техника”, №3.2015 .С.65-69.
4. Сахаров А.В. Медико-социальные аспекты дорожно-транспортного травматизма/ Автореферат дисс. к.м.н., Санкт-Петербург, 2011.-18с Дедов А.А Структура детского дорожно-транспортного травматизма в Воронежской области// Вестник новых медицинских технологий, т. XVIII, №2/ под ред.А.А.Хадарцева.-2011.-С.513-515.
5. Kurbanova N.N. et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, Issue 08, 2020. – Page. 8910-8920.
6. Navruzovna K. N. et al. Biochemical changes in hepatocyte subcellular fractions in experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 57-59. ООО «Олимп».
7. Navruzovna K. N. et al. Generation of reactive oxygen species in the mitochondrial fraction of hepatocytes in the early stages of experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 60-62. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/generation-of-reactive-oxygen-species-in-the-mitochondrial-fraction-of-hepatocytes>.
8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of distribution of traffic accidents in Khorezm region by population and age// International Scientific-Practical Conference.Chexiya. P.13-15.
9. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. deaths and injuries as a result of road accidents and the role of cardiovascular diseases in them//International Scientific and Practical Conference.Polcha. P.34-37.
10. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of Distribution of Traffic Accidents in Khorezm Region by Population and Age American Journal of Medicine and Medical Sciences 2023, 13(7): 1020-1025 DOI: 10.5923/j.ajmms.20231307.37
11. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Ismoilova B.P.//European Chemical Bulletin 2023, 12(Issue 8), 2055-2062.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 2 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

12. Олимова М.М, Жуманиёзов К.Й. Травма и смертность при автокатастрофах сборник статей XXIX Международного научно-исследовательского конкурса, Состоявшегося 5 ноября 2023г. в г. Пенза. С.189-195.

13. Абдуллаев И.К., Жуманиёзов К.Й., Олимова М.М. Динамика дорожно-транспортных происшествий, травматизма и смертности от ДТП за период 2017-2021 гг. Окружающая среда и здоровье населения. Материалы XXXIV Всероссийской научно-практической конференции с международным участием 15 декабря 2023 г. Казань- 2023. С.6-7.

14. М.И. Азимов Юз-жағ травматологияси (Тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун дарслик) Тошкент-2011. 197 бет.

